ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МЕҲНАТ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

И.ф.д, доц. Ирматова Азиза Бахрамовна

ТДИУ Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси доценти
100066, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй

Аннотация: Мақолада интеллектуал меҳнат категория сифатида илмий-назарий таҳлили амалга оширилган, уни мамлакатнинг ҳозирги ривожланиш босқичида айнан аёллар учун аҳамияти келтирилган, шунингдек, гендер ва тармоқлар кесимида таққослама таҳлил ва эконометрик моделлар орқали Ўзбекистонда ривожлантириш имкониятлари аниқланиб, тегишли хулоса ва таклифлар чиқарилган.

Калит сўзлари: интеллектуал меҳнат, аёллар бандлиги, раҳбар аёллар, инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялар

Abstract*:* The article provides a scientific and theoretical analysis as a category of intellectual work, presents its significance for women at the present stage of the country's development, and also identifies development opportunities in Uzbekistan through comparative analysis and econometric analysis and models in the gender and sectoral context, and draws appropriate conclusions and proposals.

Key words: intellectual work, women's profession, women's management, innovation, information and communication technologies

Кириш.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, замонавий ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида инсоннинг шахсий ривожланиши натижасида меҳнатни интеллектуаллаштириш тенденцияси ижтимоий меҳнат эволюциясида энг муҳим деб тан олиниб, халқаро характерга эгалиги қайд этилмоқда. Жумладан, ижтимоий меҳнатнинг ривожланишига бағишланган тадқиқотларда “меҳнат жараёнида интеллектуал ҳаракатларнинг салмоғи” ортаётганлиги қайд этилган. Аммо меҳнатни интеллектуалаштириш борасида аксарият муаммолар, жумладан, меҳнатни интеллектуалаштириш мазмуни, намоён бўлиш шакли, механизмлари, институционал таъминоти, ушбу жараённинг жамият ривожланишига, иш билан бандлик тизимига таъсири тўлалигича ўрганилмаган.

Ривожланган мамлакатларда ЯИМ нинг асосий қисмини “билимлар иқтисодиёти” ташкил қилиб, у 60,0 - 70,0 фоизгача бўлган ижтимоий-иқтисодий ўсишни белгиламоқда. Ўзининг катта мультипликатив таъсири туфайли инновацион (билимлар) иқтисодиёт бошқа тармоқларнинг ривожланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда “дунёда 1 миллиард ишчи кучи интеллектуал меҳнат билан банддир. Рақамлаштириш ва сунъий интеллект таҳдиди, интеллектуал меҳнатни ҳар қанчондан ҳам муҳимроқ эканлигини кўрсатмоқда” [1]. XXI асрда барча корхона

ташкилотларнинг энг катта бойлиги унинг интеллектуал ходимлари ва уларнинг самарадорлиги бўлади [2].

АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатларида иш билан таъминлаш хизматлари ичида касбий маслаҳат ва кадрларни танлаш синовларида интеллектуал қобилиятни баҳоловчи тестлар мавжуд. Уларнинг қўлланилиши натижасида яроқсиз шахсларни танлов босқичида 23-30% дан 5-8% гача камайтириш, персоналнинг хатолари туфайли техник тизимларнинг авария даражасини 40-70% гача пасайтириш, мутахассисларни ўқитиш ҳаражатларини 30-40% гача камайтиришга эришилган.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади [3], дея таъкидлаган.

Бугун Ўзбекистон учинчи Ренессанс остонасида турган экан интеллектуал меҳнат ўрнини ва мавқеини ошириш, интеллектуал меҳнат билан шуғулланадиган инсон ресурсларини тайёрлаш ва янги иш жойларини яратиш долзарб масалаларидан биридир.

Тадқиқот давомида айнан аёлларнинг интеллектуал меҳнатини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб билдик. Бунинг асосий сабабларидан, биринчидан, меҳнат ресурсларининг асосий қисмини (50% дан ортиғини) аёллар ташкил этиши, ҳамда уларнинг меҳнат салоҳиятини тўлалигича ишлатиш нафақат аҳоли даромадлари, турмуш даражасининг ошишига, балки ЯИМ, миллий даромаднинг ўсишига ва пировардида мамлакатнинг ривожига олиб келади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра 2022 йил 1 январь ҳолатига ишсизлик даражаси 9,6 фоизни, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси 13,3 фоизни ташкил этган [4]. Иш билан бандлар ичида аёлларнинг маълумотлилик даражаси эса эркакларникидан кўра юқорироқдир: олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган аёллар 86,1% ни, эркаклар эса 79% ташкил қилмоқда [5]. Бу эса айнан иқтисодиёт тармоқларида аёллар учун мос бўлган интеллектуал меҳнатга асосланган иш жойларни яратиш зарурлигини билдирмоқда.

Иккинчидан, аёлларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда оғир жисмоний меҳнат уларнинг соғлиғи ва репродуктив саломатлигига зарар етказиши, шу ўринда айнан интеллектуал меҳнат билан банд бўлиши аёлларнинг оилавий юмушлар ва бола парваришлаш баробарида иш билан банд бўлишнинг энг истиқболли ва самарали йўлидир. Ахборот коммуникация технологиялар ёрдамида интеллектуал меҳнат билан банд аёллар вақт ва масофа билан чегараланмасдан ностандарт, эгилувчан меҳнат шароитларидан

фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, глобал пандемия даври шуни аён қилдики, айнан шу каби ишчилар меҳнат жойини ва даромадини сақлаб қолишга муваффақ бўлган.

Учинчидан, мактабда аксарият фанлардан қизларнинг кўрсаткичлари ўғил болаларникига қараганда юқорироқдир. Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда Инсон капитали индекси баҳоланганда қизларда 63%, ўғил болаларда 61% ташкил этаётганлиги маълум бўлди [6]. Яъни қизларнинг инсон капитали ўғил болаларникига қараганда юқорироқ бўлсада, амалиётда интеллектуал меҳнат билан банд бўлган аёлларнинг салмоғи анча паст. Бу феноменни хорижий иқтисодчи олимлар “оқаётган қувур” (“leaky pipeline”) [7] деб аташган. Бизнинг шароитда “оқаётган қувур” герметиклигини таъминлаш учун, бу борада носозликларни аниқлаш, уни бартараф этиш бўйича аниқ стратегиялар, чоралар ва режалар харитасини ишлаб чиқиш зарур.

Шундай қилиб, интеллектуал меҳнат масалаларини ҳам илмий-назарий, ҳам таҳлилий тадқиқ этиш, ҳамда илмий асосланган таклиф ва тавсияномалар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар таҳлили.

Бир қатор тадқиқотчилар интеллектуал меҳнатни — ўз ичига лойиҳавий ва техник билимларни олувчи, янги ғояларни яратувчи ва муаммоларнинг креатив ечимини топувчи эксперт фаолият [8], деб таърифлашган.

Меҳнат ва унинг таркибий интеллектуал қисмининг роли ҳақидаги концептуал қарашларнинг ўзгариши объектив жараёнлар билан изоҳланади. Иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделига босқичма-босқич ўтиш жараёнида билим, ижодий ва интеллектуал потенциал, инновациялар ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда [9].

Э.Тоффлерга кўра, “биз ишчи кучи иқтисодиётидан билимлар иқтисодиётига ҳаракатланмоқдамиз ва у янги жамиятда билимлар ишлаб чиқаришнинг асосий омили ҳисобланади” [10].

XX асрга хос техника ва технологиянинг тараққиёти меҳнатни интеллектуаллаштиришнинг сезиларли даражада ошишига олиб келди, жумладан, иш билан бандлар сонининг ошишига ва жамиятнинг барча соҳаларида интеллектуал меҳнатнинг аҳамияти кенгайишига таъсир этди. Бу вазият замонавий жамиятда интеллектуал меҳнатни алоҳида бир иқтисодий категория сифатида ажратиш мумкинлигига имкон бермоқда.

Умуман, интеллектуал меҳнат борасида хорижий ва маҳаллий адабиётларда акс этган олимларнинг қарашлари турли хил. Иқтисодий адабиётларнинг таҳлили натижасида, интеллектуал меҳнат борасидаги илмий изланишларнинг бир нечта йўналишларини ажратиш мумкин. Буни 1- жадвалда яққол кўриш мумкин.

Анъанавий қарашларда меҳнатдаги ўзгаришлар ақлий меҳнат билан изоҳланган, ақлий меҳнат деб, билимларни эгаллаш, ривожлантириш, ўзлаштириш, сақлаш ва амалда қўллашга қаратилган фаолият тушунилган.

Б.М.Генкин меҳнатнинг икки таркибий қисмини ажратган: регламентланган ёки α - меҳнат (белгиланган технология, инструкция, анъана бўйича бажариладиган ва меҳнат субъекти хеч кандай янгилик элементларини қўшмайдиган, ижодий салоҳият жалб қилинмаган меҳнат) ва инновацион, ижодий ёки β - меҳнат (моддий ва маънавий бойликлар яратадиган, янги ишлаб чиқариш усулларини қўллайдиган меҳнат) [11].

1-жадвал

“Интеллектуал меҳнат” категориясига концептуал жадвал

Йўналиш	Асосий ғоялар
“Интеллектуал меҳнат” тушунчаси	Интеллектуал меҳнатнинг оддий меҳнатдан фарқи [12], интеллектуал меҳнат зарурлигининг эмпирик таҳлили [13], меҳнат жараёнида интеллектуал саъй-ҳаракатлар улушининг ошганлиги [14], интеллектуал меҳнат концепцияси [15], инновацион иқтисодиётда интеллектуал салоҳият [16]
Интеллектуал меҳнат - меҳнатнинг таркибий қисми сифатида	Регламентланган ёки α-меҳнат ва инновацион, ижодий ёки β-меҳнат [17], меҳнат операцияларини ижодий, ярим шаблонли ва шаблонли меҳнат [18], ижодий – “кузатилаётган фактларни умумлаштириш ва янги ғояларни қўлга киритишдан иборат бўлган меҳнат” ва ижроия – “ғоялардан нусха кўпайтириш [19]
Интеллектуал меҳнатда илмий-тадқиқот фаолияти	Илм-фанда аёлларнинг ўрни [20], илмий-тадқиқотда аёлларнинг муаммолари [21], STEM да “ойнали шифт” феномени [22], рақамлаштириш даврида аёллар ва STEM [23]
Интеллектуал меҳнатда ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни	Интеллектуал меҳнат – инсоннинг билимлар ва улар ҳақидаги ахборотни ишлаб чиқиш борасидаги онгли фаолияти [24], рақамла интеллектуал меҳнат ахборотни тўплаш ва узатиш фаолиятидир [25], ахборот бошқарувида мобил ходимлар [26]
Интеллектуал меҳнатда инсон капитали	Интеллектуал ва ижодий фаолиятда инсон капитали [27], инсон капитали интеллектуал меҳнатни ифода этишнинг асоси [28], инновацион иқтисодиётда интеллектуал капитал [29]
Интеллектуал меҳнатда аёлларнинг роли	Интеллектуал меҳнат — аёлларнинг фаолият тури [30], аёлларнинг интеллектуал меҳнати ва иш вақтини ўзи бошқариши [31], интеллектуал меҳнат — аёлларнинг эгилувчан иш вақти [32]

Манба: муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида тузилган

Интеллектуал меҳнатнинг таҳлили В.С.Гойло томонидан кенгроқ амалга оширилган. В.С.Гойлонинг қарашларига кўра, “интеллектуал

меҳнат – инсоннинг ўз билимлари ва улар бўйича ахборотларни ишлаб чиқиш борасидаги онгли фаолиятидир” [33], шунингдек, шахсий интеллектнинг такомиллашиши ҳамдир.

О.Тоффлернинг қайд этишича: ««Интеллектуал меҳнат» деган янги тушунча пайдо бўлиб, унда аниқ рамзий ифодага эга бўлган маълумотларни тўплаш ва узатиш фаолияти энг юқори даражага кўтарилади (илмий тадқиқотлар, иқтисодий таҳлил, дастурлаш). Ўрта даражали маълумотлардан фойдаланган ҳолда жисмоний меҳнат (компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари) билан бирлаштирадиган “аралаш” меҳнат турлари эгаллайди. Кейинги даражадаги жисмоний меҳнат аста-секинлик билан йўқолиб бормоқда» [34].

Интеллектуал меҳнатга ҳодиса сифатида қараган ҳолда, бир қатор муаллифлар шундай таъкидлашадики, интеллектуал меҳнат – бу уни амалга оширишда мия маҳсулотни ярувчи ишчи орган ҳисобланадиган, ақлий энергия сарфлари устунлик қиладиган меҳнатдир, бошқаларга улашиш учун қоғозга туширилган ёки бирор нарсада (полотнода, мармарда, ноу-хау ва ҳ.к.да) мужассамлашган фикр (ғоя), меҳнат маҳсули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги К.Х.Абдураҳмоновнинг фикрича, ҳозирги даврда шахснинг “Меҳнат иқтисодиёти” тадқиқотларининг объекти сифатидаги роли кескин ортди. Меҳнат фаолияти борган сари интеллектуаллашиш хусусиятига эга бўлмоқда, яъни меҳнат жараёнининг илмий салмоғи ортмоқда. Бу эса, меҳнатни тадқиқ этишга ёндашувларни ҳам тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда [35].

“Меҳнат назарияси” тадқиқотининг муаллифлари [36] интеллектуал меҳнат деганда, билимларни яратувчи, бугунги кун талабига мувофиқ эски элементларни янги конфигурацияларга алмаштиришни талаб этувчи меҳнатни талқин этадилар. Ушбу фаолиятни ҳақиқатан ҳам, инновацион ва ижодий деб таърифлаш мумкин. Шунингдек, олимлар анъанавий ва интеллектуал меҳнатнинг чегараси ноаниқлигини қайд этишган. Интеллектуал меҳнат олдинги тажрибалари билан чегараланмаган, барча ақл-идрокни жалб этадиган меҳнат сифатида намоён бўлган.

Амалга оширилган тадқиқотларга кўра, бизнингча, **интеллектуал меҳнат бу –** онгли, мақсадга йўналтирилган фойдали, креативлик, ижодкорлик элементлари билан бойитилган, инсоннинг ривожланишига ва табиат ресурсларни моддий ва номоддий бойликларга айлантирадиган, ахборотларни яратиш, қайта ишлаш ва ўзгартириш билан боғлиқ инсоннинг ижтимоий фойдали фаолиятидир.

“Интеллектуал меҳнат” тушунчаси “ақлий меҳнат”, “ижодий (инновацион) меҳнат”, “мураккаб меҳнат” каби тушунчаларга мазмунан

яқиндир. Аммо уларнинг ҳар бири меҳнат фаолиятининг маълум бир хусусиятига қаратилган бўлса, интеллектуал меҳнат уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этади. Шунингдек, интеллектуал меҳнатнинг пировард мақсади — инсоннинг ривожланиши.

Бизнингча, интеллектуал меҳнат бу меҳнат фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тури бўлиб, ақлий меҳнатга асосланган, лекин ўзининг характери ва мазмунига кўра, ақлий ва жисмоний меҳнатдан устун турадиган ахборотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўзгартиришга асосланган меҳнат фаолиятидир. Кенг маънода олганда, инетеллектуал меҳнат янги билим ва ахборотларни яратувчи, инновацион ва ижодий фаолият натижасида эски элементларни янги конфигурацияга айлантирадиган меҳнатдир.

2-жадвал

Жисмоний, ақлий ва интеллектуал меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари

Кўрсаткичлар	**Жисмоний меҳнат**	**Ақлий меҳнат**	**Интеллектуал меҳнат**
Харакатлантирувчи куч	Мушаклар	Ақл ва мушаклар	Ақлий фикрлаш, синтез, анализ ва абстракция
Меҳнат тури	Оддий	Мураккаб	Мураккаб
	Белгиланган шаблон асосида	Белгиланган шаблон асосида	Ижодий, инновацион
	Ижровий, операторлик	Ижровий, операторлик	Мустақил
Меҳнат натижаси	Моддий неъматлар	Номоддий неъматлар	Янги ғоялар, билимлар, инновация, интеллектуал мулк
Меҳнат воситалари	Моддий	Моддий	Моддий ва номоддий (хотира, техник ва ахборот воситалари, услублар, илмий назариялар)
Мажбурий меҳнат қилиш жиҳатидан	Мажбурий меҳнат қилдирилиши мумкин	Мажбурий меҳнат қилдирилиши мумкин	Эркин, мажбурий меҳнатга асосланмаган
Меҳнат натижаларининг бегоналаштирилиши	Мумкин	Мумкин	Мумкин эмас
Меҳнат қилишнинг вақт чегаралари	Чегаралланган	Чегаралланган	Чегараланмаган

Манба: муаллиф томонидан тузилган

Тор маънода, интеллектуал меҳнат ақлий фаолиятнинг креатив, ижодий элементлари билан бойитилган фаолият туридир. Ақлий фаолият деганда, оддий ақлий операциялар ва визуал, аналитик фикрлашни талаб этадиган фаолият тушунилади.

Юқорида баён этилганларни умумлаштирган ҳолда "интеллектуал меҳнат" категориясининг бир қатор ўзига хос хусусиятларини ажратиш мумкин:

Интеллектуал меҳнатнинг юқорида қайд этилган ўзига хос хусусиятлари, бизнинг фикримизча, интеллектуал меҳнатнинг мақсадларини, уни амалга ошириш воситалари ва натижаларини ажратиш имконини беради.

Тадқиқот методологияси

ХМТ томонидан машғулотларнинг халқаро стандарт классификацияси (International Standart classification of occupations ISCO) га кўра, интеллектуал меҳнат билан бандлик кўрсаткичини баҳолашда жами иш билан банд бўлганлар умумий 3 та гуруҳга бўлиб баҳоланади. ISCO-08 да интеллектуал меҳнат билан бандлар қуйидагича таснифланган:

1. Менежерлар гуруҳи – ҳуқумат аъзолари ва бошқа йирик ташкилотлар ҳамда улар таркибидаги ташкилий бўлинма раҳбарлари.
2. Мутахассислар гуруҳи – илмий, бадиий тушунчалар, назариялар яратадиган мутахассислар.
3. Техник ва ёрдамчи мутахассислар гуруҳи – илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини бажарувчи, бизнес қоидалари жорий этувчи ходимлар.

Тадқиқот таркибий, мантиқий ва таққослама таҳлил, тизимли ёнлашув, иқтисодий-статистик, эконометрик таҳлил, гуруҳлаш, SEM (Structural equation model) усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Аёлларнинг корхона ва ташкилотларда ишлаётган ишчи кучининг тоифаларига кўра тақсимланиши бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, 2011-2020 йилларда мутахассис ва техник ходимларнинг 60%ини айнан аёллар ташкил этган. Демак, иш билан банд аёлларнинг аксарияти интеллектуал меҳнат билан банд, деган хулоса чиқариш мумкин.(1-расм) Таҳлиллардан маълум бўлдики, раҳбар эркакларнинг салмоғи юқори бўлса-да, интеллектуал меҳнат билан бандларнинг салмоғи аёлларникидан анча паст. Аёлларнинг интеллектуал меҳнат билан бандларининг асосий салмоғини мутахассислар эгаламоқда. Иш билан банд эркакларнинг асосий салмоғини мутахассислар ва ишлаб чиқариш ходимлари ташкил этмоқда. Ишлаб чиқариш ходимлари, асосан, жисмоний меҳнатга асосланган бўлганлиги туфайли кўпроқ эркаклар жалб этилганлиги маълум бўлди.



1-расм. 2011-2020 йилларда корхона ҳамда ташкилотларда интеллектуал меҳнат билан банд аёллар ва эркаклар динамикаси

Манба: статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

ISCO-08 да интеллектуал меҳнат билан бандларга: раҳбарлар, мутахассислар ва техник ходимлар киради. Шу жиҳатдан олганда, 2020 йилда давлат корхоналарида банд бўлганлар ичида жами 1 786 493 та ходим интеллектуал меҳнат билан бандлиги, шу жумладан, 1 068 487 таси ёки 59,8% и аёллар эканлиги маълум бўлди.

3-жадвал

2011-2020 йилларда Ўзбекистонда интеллектуал ходимлар сонининг ўзгариши

	2011	2012	2015	2016	2017	2018	2020	2020/2011
Жами	1747027	1751212	1668091	1641882	1660421	1700160	1786493	102,3%
Шу жумладан								
Аёллар	1037126	1045103	1011869	1002883	1008977	1011794	1068487	103,0%
Эркаклар	709901	706109	656222	638999	651444	688366	718006	101,1%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Ўн йиллик маълумотларнинг таҳлилига кўра, жами интеллектуал меҳнат ходимлари 2,3% га ошганлигини, аёллар ичида бу кўрсаткич 3% ни, эркаклар ичида 1,1% ошганлиги маълум бўлди. Албатта, бундай давр учун интеллектуал ходимлар сони атиги 1-3% га ошганлиги ачинарли ҳолдир. Бугунги кунда инновацион иқтисодиёт шароитида барча ресурслар ичида айнан инсон ресурслари янги ғоя, билим,

инновациялар орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий локомотиви бўлган пайтда меҳнат ресурслари 18 млн.дан ошиқ мамлакатимизда интеллектуал ходимлар сони 1,7 млн. кишини ташкил этиши катта муаммодир.

Интеллектуал ходимларнинг ўсиш тенденциясини аниқлаш учун йиллар кесимида бу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари таҳлили амалга оширилди. Таҳлил натижасига кўра, 2015 йилгача интеллектуал ходимларнинг ўсиш суръати салбий кузатилган бўлса, 2016 йилдан бошлаб, ўсиш суръатлари ижобий тарафга ўзгарганлигини кўриш мумкин (4-расм). Лекин 2018 йилдан бошлаб, интеллектуал меҳнат билан банд эркакларнинг ўсиш суръати пасайишини, аксинча, интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг ўсиш суръати ортаётганлигини кузатиш мумкин. Умумий тренд чизиғи интеллектуал меҳнат билан банд эркак ва аёлларнинг ўсиш суръати ошишини кўрсатмоқда.



2-расм. 2012-2020 йилларда интеллектуал ходимларнинг ўсиш суръатлари ва трендлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Иш билан бандлик сиёсати таркибий ўзгаришлар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумий стратегияси доирасида иқтисодиёт тармоқларида ишчи кучининг тўғри тақсимланиши, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш дастурлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак. Чунки айнан шу соҳа эркак ва

аёллар меҳнат салоҳиятининг максимал даражада самарали фойдаланиши ва аҳоли турли қатламларини иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириши керак. Иқтисодиёт тармоқларида интеллектуал ходимларнинг салмоғи айнан мазкур тармоқнинг ривожланиш даражасига, янги маҳсулот ва хизматлар кўрсатишга бевосита алоқадор бўлади.

Охириги беш йиллик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, интеллектуал меҳнат билан банд аёллар, асосан, таълим (85%), молиявий ва суғурта фаолияти (80%), соғлиқни сақлаш (72%), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (70%) тармоқларида банд.



3-расм. 2016-2020 йилларда интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг тармоқлар кесимидаги салмоғи

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ачинарлиси, саноат (21%), ахборот ва алоқа (39%) тармоқларида меҳнат қилаётган аёллар ичида интеллектуал меҳнат билан бандлар паст даражада. Айнан шу тармоқлар илм-фан сиғими юқори тармоқлар сифатида таърифланади ва мазкур тармоқларда қилинган янгиликлар, инновациялар, янги ғоялар ва технологиялар қўшимча қийматни ташкил қилиб, инновацион маҳсулотларга айланади.



4-расм. 2017-2020 йилларда интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг тармоқлар кесимидаги ўсиш суръатлари

Изоҳ: 1 - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 2 - саноат, 3 - қурилиш, 4 - савдо, 5 - ташиш ва сақлаш, 6 - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, 7 - ахборот ва алоқа, 8 - молиявий ва суғурта фаолияти, 9 - таълим, 10 - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 11 - санъат, кўнгил очиш ва дам олиш, 12 - бошқалар

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг тармоқлар кесимида ўсиш суръатининг таҳлили беқарор ўзгаришларни кўрсатди. Деярли барча тармоқларда бу тоифа ходимларнинг ўзгариши йиллар давомида ҳам салбий, ҳам ижобий ўзгарган. Биргина таълим ва соҳлиқни сақлаш тармоқларида доимий ўсишни кузатиш мумкин. Фикримизча, интеллектуал ходимларнинг сонини барча илм-фан сиғими юқори тармоқларда, жумладан, саноат, ахборот ва алоқа, молиявий ва суғурта фаолияти, шунингдек, аёлларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги тармоғида мунтазам оширишимиз зарур. Бу мақсадга эришиш учун давлат томонидан аёлларни интеллектуал меҳнат билан банд бўлишини рағбатлантириш ҳамда махсус чора-тадбирларни қабул қилиш лозим.

Илмий техник тараққиётнинг замонавий шароитларда рақамли иқтисодиётга ўтиш босқичида инновацион иш билан бандлиги устуворлигини билдирувчи **меҳнатнинг ижодкорлиги ва интеллектлигининг ошиши** ҳамда ахборотларни яратиш, уни қайта ишлаш ва қабул қилишга кетган вақтнинг ошиши билан белгиланмоқда.

Меҳнатнинг интеллектуаллашиши ходимларнинг умумий техник маданиятининг ошиши, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш

жараёнида аниқ ўзининг ўрнини билиши, технология қоидаларига қатъий риоя қилиш ва якуний иқтисодий натижаларни таъминлаш билан ажралмоқда.

Инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишни янада кенгроқ таҳлил қилиш мақсадида, ҳар бир ўзгарувчининг ўзига мос бўлган бир қатор омиллар таъсири ўрганилди ҳамда қуйидагича натижа ҳосил қилинди:



5-расм. Аёллар меҳнатини ташкил этишда интеллектуал ходимлар ва раҳбар аёллар билан ўзаро муносабатларнинг SEM-модели

Манба: муаллиф томонидан STATA-15 дастури асосида ишлаб чиқилди.

— SEM-моделнинг таҳлилига кўра, тадқиқотчи аёллар 100 тага ошса, интеллектуал аёл ходимлар 36 нафарга ошиши, докторант қизлар сони бирга ошса, 23 тага ошиши, ИТТКИ билан шуғулланаётган корхоналар сони бирга ошса, интеллектуал аёл ходимлар сони 109 тага ошиши, жорий этиладиган инновациялар сони 1 бирликка ошиши учун 37 та интеллектуал аёл ходимлар етишмаслиги аниқланди.(4-жадвал) R-квадрат қийматларига асосан танланган барча ўзгарувчилар учун модель 99 фоизга аҳамиятли деб топилди. Хусусан, илмий тадқиқот билан банд бўлган аёлларнинг фоиздаги ўзгаришлари 99% да танлаб олинган ўзгарувчилар билан изоҳланади; корреляцион таҳлил натижасига кўра, дастлабки омиллар йиғиндисида мультиколлинеарлик, яъни мустақил ўзгарувчилар орасида юқори

корреляция, аргументлар орасида эса, чизиқли боғлиқлик мавжуд. Асосий боғлиқ ўзгарувчининг мустақил ўзгарувчилар орасидаги

4-жадвал

Ўзгарувчиларнинг коэффициентлари ва адекватлик даражаси

Ўзгарувчилар	Коэффициент	Стандарт хатолик	Z	P>Z	Интервал ўзгариши (95% аниқликда)	
Раҳбар аёллар						
ОТ битирган аёллар	0,276	0,206	1,34	0,181	-0,128	0,680
Давлат секторида бандлар	9.947	28.587	0.35	0.728	-46.081	65.977
Иш ҳақи	-0.009	0.004	-2.16	0.031	-0.018	-0.0009
Туғилиш	0.022	0.042	0.52	0.600	-0.060	0.104
никоҳ	0.101	0.048	2.11	0.035	0.007	0.195
constant	-22238.9	70699.8	-0.31	0.753	-160808.1	116330.1
Иш билан банд аёллар						
Раҳбар аёллар	-0.144	0.069	-2.08	0.037	-0.280	-0.008
Интеллектуал аёл ходимлар	0.019	0.0107	1.78	0.075	-0.002	0.040
Интернет	-0.000	0.000	-0.21	0.836	-0.000	0.000
Компьютерлар сони	36.386	12.240	2.97	0.003	12.395	60.376
Иш ҳақи	-0.0009	0.000	-2.70	0.007	-0.002	-0.0002
Никоҳ	0.014	0.006	2.63	0.009	0.004	0.026
Мобиль телефон	16.712	10.884	1.54	0.125	-4.618	38.044
constant	-12615.45	9754.7	-1.29	0.196	-31734.31	6503.4
Интеллектуал аёл ходимлар						
Қўшилган қиймат	1674.7	1379.5	1.21	0.225	-1029.02	4378.43
Тадқиқотчи аёллар	0.360	26.784	0.01	0.989	-52.136	52.857
Докторант қизлар	22.855	34.745	0.66	0.511	-45.246	90.958
ИТТКИ ташкилотлар	108.563	50.819	2.14	0.033	8.958	208.168
Инновациялар	-37.205	20.355	-1.83	0.068	-77.101	2.689
constant	993704.5	328412.9	3.03	0.002	350027.1	1637382

Модель адекватлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан аниқланди:

- Бэнтли-Райков мультикорреляция коэффициенти 0,997 миқдорида аниқланган;
- қиёсий таққослаш индекси (CFI) 1 га тенг ва бу жуда яхши кўрсаткичдир, яъни олинган барча кўрсаткичлар мустақил ва бир-бирини такрорламаслиги билан изоҳланади;

- илдизга квадратик хатоликка якинлашиш (RMSEA) – 0 (хатолик 0,05 гача деб қабул қилинган), яъни ҳисоб-китобларда ҳар бир ўзгарувчида хатоликлар нолга тенглигини билдиради;

- estat mindices (extended statistics reporting modification indices) буйруғи орқали танланган модель яхшироқ натижага эга бўлиши учун ўзгарувчиларнинг ўзаро мослигини таъминлашнинг энг самарали йўлларини кўрсатиб беради. Бунга кўра, моделимиз энг тўғри ва оптимал эканлиги маълум бўлди (no modification indices to report).

SEM модели натижасида ҳар бир ўзгарувчи учун ҳосил бўлган коэффициентлар ва регрессия тенгламаси асосида 2021-2025 йилларга уч сценарийда тренд чизиғи аниқлаб олинди.



6-расм. Интеллектуал меҳнат билан банд аёллар ўсиш суръатларининг уч сценарийда прогноз трендлари

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

2021-2025 йилларга олинган прогноз кўрсаткичларига асосан, интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг ўсиш суръатлари ўртача 1 коэффициенга ўзгариб боради. Олинган прогнознинг салбий сценарийси бўйича интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг ўсиш суръати 0,95 атрофидалиги аниқланди, бу дегани йил сайин ушбу фаолият билан шуғулланувчи аёллар камайиш тенденциясига эга бўлади. Позитив сценарий бўйича интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг ўсиш суръати 1,05-1,1 коэффициент оралиғида кўпайиб боради.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг 2021-2025 йилларга прогноз кўрсаткичлари олинди. 5-жадвал таҳлилига кўра, 2025 йилда интеллектуал меҳнат билан банд бўлган аёлларнинг сони 34733 тага кўпайиб, 1103221 тани ташкил қилади. Салбий сценарий бўйича бу давр ичида интеллектуал меҳнат билан банд бўлган аёллар сони 276777 тага камайиб, 791710 тага тушиб қолади.

5-жадвал

2021-2025 йилларга интеллектуал меҳнат билан банд аёлларнинг прогноз кўрсаткичлари

	2021	2022	2023	2024	2025
Прогноз	1061008	1093899	1084054	1115491	1103221
Салбий сценарий	993693	963882	896410	860554	791710
Позитив сценарий	1132596	1245856	1320607	1439462	1511435

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Позитив сценарий бўйича 2025 йилга бориб, интеллектуал меҳнат билан банд аёллар сони 442948 тага кўпайиб, 1511435 тага етади.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда аёллар бандлиги имкониятларини кенгайтириш маълумот, касбий билим ва малакаларнинг етишмаслиги, шунингдек, аёл ишчи кучи талабларига жавоб берадиган иш ўринларининг етишмаслиги туфайли ночор ҳолатдаги аёллар учун иқтисодий имкониятлар яратишни назарда тутади.

Маҳаллий ижтимоий инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар сонининг қисқариши ва маиший хизмат қийматининг ошиши аёлларни уйда ишлашга мажбур қилмоқда. Шу билан бирга, олий маълумотли, касбий билим ва юқори малакага эга хотин-қизлар учун етарли даражада иш ўринлари яратилмаётганини таъкидлаш лозим.

Фикримизча, тараққиётнинг замонавий босқичида хотин-қизларнинг бандлик имкониятларини кенгайтириш учун:

- хотин-қизларни маълумоти, касбий билими ва тегишли малакаларига мос иш билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тизимларини ишлаб чиқиш, бу йўналишда хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишни рағбатлантириш;
- аёлларнинг интеллектуал меҳнатини, аёл-инноваторларини рағбатлантириш, аёллар учун мактабдан интеллектуал меҳнатга жалб қилиш тизимни ишлаб чиқиш;
- олий маълумотли, касбий билим ва юқори малакага эга аёллар учун масофавий иш ўринлари яратишга қаратилган давлат ва хусусий инвестиция лойиҳаларини кенг жалб етган ҳолда хотин-қизлар учун мавжуд иш жойларни сақлаш ва янги иш ўринлари яратиш механизмларини такомиллаштириш;
- хотин-қизлар учун иш вақтини ташкил этишда мослашувчан (эгилувчан) турларни ишлаб чиқиш, уларнинг расмий бандлигини оилавий мажбуриятлари ва болаларни тарбиялаш билан самарали мувофиқлаштириш тизимини яратиш;
- турли тоифадаги аёлларни иш билан таъминлашда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш шакллари ва усулларини

такомиллаштириш, шу жумладан, мустақил иш билан таъминланиш, кичик ва оилавий тадбиркорликни солиқ, кредит имтиёзларини тақдим этиш орқали рағбатлантириш, аёллар инновацион ва рақамли тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш;

- паст рақобатбардошли аёллар (ногиронлар, кўп болали оналар, ёлғиз оналар, ҳарбий хизматчиларнинг хотинлари ва бошқалар) бандлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, иш берувчиларни бу тоифа аёллар меҳнатдан фойдаланишга ундайдиган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

- хотин-қизлар ташаббусининг ривожланишига кўмаклашиш ва аёлларни ўз-ўзини иш билан таъминлашга йўналтириш (электрон савдо-сотиқ фаолияти, копирайтинг, фриланс, интернет майдончалари (Zoom, Google Meet ва б.) орқали ўқитиш тизими ва ҳ.к.);

- аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятига бўлган мойиллиги ва қобилиятларини аниқлаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятининг замонавий турларига (инновацион, ижтимоий, рақамли тадбиркорлик) йўналтириш, маслаҳат бериш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш бўйича ёрдам кўрсатиш, аёлларга ўз бизнесини ташкил этиш учун турли хил микромолиялаштириш йўлларини яратиш;

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш зарурки, республикада интеллектуал меҳнат билан банд аёллар эркакларга нисбатан юқори даражада, лекин бу катта салоҳиятдан тўғри фойдаланиш ва юқори инновацион натижага эришиш учун муаммолар ва ривожлантириш имкониятларини аниқлаш зарур.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Andrew Mawson Rise of the knowledge worker // Corenet Global // https://blog.corenetglobal.org/blog/rise-of-the-knowledge-worker;
2. Peter F. Drucker Management-Challenges-for the 21st Century. 1999 Taylor & Francis Ltd.;
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // https://president.uz/uz/lists/view/3824;
4. https://mehnat.uz/uz/news/uzbekistonda-ishsizlik-darazhasi-96-foizni-tashkil-etdi- - Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий сайти;
5. https://gender.stat.uz/ - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти;
6. https://www.gazeta.uz/ru/2020/09/18/hci/?utm_source=push&utm_medium=telegram;
7. Berryman, S. E. (1983). Who Will Do Science? Trend, and Their Causes in Minority and Female Representation among Holders of Advanced Degrees in Science and Mathematics. A Special Report, 132.

8. Blackler, F. (1995) Knowledge, knowledge work and organizations: an overview and interpretation. Organization Science, Vol. 16, No. 6, pp. 1021– 1046; Cortada, J. (1999), Rise of the knowledge worker. Boston, MA, Butterworth-Heinemann;

9. A New Economy? The Changing Role of Innovation and Information Technology in Growth.-Paris. OECD, 2002. P.7;

10. Toffler A. The Third wave.- N.Y.,1980

11. Генкин Б.М. Структура деятельности человека и принципы оптимизации параметров общественного строя // Экономика труда. – 2015. – Том 2. – № 2. – С. 111-130. – doi: 10.18334/et.2.2.542

12. Drucker, Peter F. 1999. Knowledge-worker productivity: The biggest challenge. California Management Review 41: 79–94; Martin, Roger L. 2013. Rethinking the Decision Factory. Harvard Business Review 91(10): 96–104.

13. Darr, Asaf, and ChrisWarhurst. 2008. Assumptions, assertions and the need for evidence - Debugging debates about knowledge workers. Current Sociology 56(1): 25–45.

14. Антипина О.Н. Тенденции гуманизации экономики при переходе к постиндустриальному обществу.- М., 1998; Гаузнер Н., Иванов Н. Инновационная стадия развития: новая модель использования «человеческих ресурсов» //Проблемы теории и практики управления. 1994; Ладенко И.С. Взаимодействие когнитивных наук в условиях интеллектуализации умственного труда //Взаимодействие наук как фактор их развития, - Новосибирск, 1988

15. Pasi Pyöriä The Concept of Knowledge Work Revisited // Journal of Knowledge Management · June 2005

16. Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т. Инновационное развитие экономики Узбекистана: интеллектуальный потенциал // Интеллектуальный анализ данных и цифровая экономика. – 2018. – С. 164-171

17. Генкин Б. М. Экономика и социология труда : учеб. для вузов / Б. М. Генкин. — 7-е изд., доп. — М. : Норма, 2007. — 448 с.

18. Бушмарин И. Современный капитализм: развитие трудовых ресурсов творческого труда// МЭМО.-1990.-С.41;

19. Вальтух К.К. Информационная теория стоимости. - Новосибирск: Наука. Сибирская издательская фирма РАН.1996. - С.133-134

20. Berryman S. Who will do science? Trends, and their Causes in Minority and Female Representation among Holders of Advanced Degrees in Science and Mathematics. New York: Rockefeller Foundation, 1983

21. Stephen L. Morgan, Dafna Gelbgiser, Kim A. Weeden, Feeding the pipeline: Gender, occupational plans, and college major selection, Social Science Research, Volume 42, Issue 4, 2013, Pages 989-1005, ISSN 0049-089X, https://doi.org/10.1016/j.ssresearch.2013.03.008.

22. Nithya Krishnan, Ala Szczepura, The glass cliff effect for women in STEM, The Lancet, Volume 391, Issue 10137, 2018, Pages 2320-2321, ISSN 0140-6736

23. Захарова Л., Савинская О., Мхитарян Т. (2017). Женщины и stem в цифровую эпоху: политика занятости в мегаполисе. 10.13140/RG.2.2.13552.76809.

24. Гойло В.С. Проблемы интеллектуального труда/В.С.Гойло //США: ЭПИ. №6. 1995

25. Тоффер О. Будущее труда.//Новая технологическая волна на Западе. — М.: Прогресс. 1986. - С.9

26. Makinen, Sari. 2012. Mobile work and its challenges to personal and collective information management. Information Research-an International Electronic Journal. - 17(3): 2.

27. Критский М.М. Человеческий капитал. -Л.,1991. С. 20-21.

28. Абдураҳмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: “FAN”, 2019. - Б. 240.

29. Зокирова Н. К. Интеллектуальный капитал в инновационной экономике Узбекистана // Наука и практика. – 2013. – №. 3. – С. 35

30. Eikhof, D. (2016), Knowledge Work and Flexible Working: Helping or Hindering Working Women? in: Connerley, Mary L., Wu, Jiyun (Eds.) Handbook on Well-Being of Working Women. Part of the series International Handbooks of Quality-of-Life. pp 361–374. Springer Netherlands; Hill, J., Gryzwacz, J., Allen, S., Blanchard, V., Matz-Costa, C., Shulkin, S. & Pitt-Catsouphes, M. (2008), Defining and conceptualizing workplace flexibility. Community, Work & Family, Vol. 11, No. 2, pp. 149-163.

31. Tammelin Mia, Koivunen Tuija, Saari Tiina Female knowledge workers and the illusion of working-time autonomy, International Journal of Sociology and Social Policy, 2017, Vol. 37 Issue: 9/10, pp.591-604. The final publication is available via Emerald https://doi.org/10.1108/IJSSP-08-2016-0100

32. Thomson A. Flexible working: the experiences of women knowledge workers // A thesis submitted in partial fulfilment of the requirements of Bournemouth University for the degree of Doctor of Philosophy, 2018.

33. Гойло В.С. Проблемы интеллектуального труда/ В.С.Гойло. - США: ЭПИ. №6. 1995.

34. Тоффер О. Будущее труда.//Новая технологическая волна на Западе. - М.: Прогресс. 1986. -С.9.

35. Абдурахмонов К. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт / Дарслик. - Т.: “ФАН”, 2019. - Б. 75.

36. Кирсанов В.А., Буянов В.П., Михайлов Л.М. Теория труда.- М..Изд-во «Экзамен» -2003. - С.16-17.